O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

Ҳавқсевар, ана юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 19 февраль, чоршанба • №14 (11.505) • Эркин нархда сотилади

# ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

*17 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2003 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлиси бўлди. Мажласда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилди.*

Давлатимиз раҳбари ўтган йилда иқтисодий ислоҳотларни янада эркинлаштириш, чуқурлаштириш, иқтисодиётни барқарор ва мутаносиб ўстиришни таъминлаш йўли изчил ва аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга оширилганлигини таъкидлади.

Бунинг натижасида 2002 йил мобайнида икки мингга яқин давлат корхонаси ва объектлари мулк шаклини ўзгартирди. Давлатга қарашли корхона ва объектларнинг каттагина қисми - 1 минг 260 таси тўлиқ хусусий мулкка айлантирилди. Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик етакчи роль ўйнайдиган кўп укладли иқтисодиётнинг жадал шаклланаётгани туфайли ўтган йилда 38 мингга яқин микрофирма, кичик ва ўрта корхона тузилиб, уларнинг умумий сони 240 мингтага етди.

Ҳисобот даврида ялпи ички маҳсулот 4,2 фоизга ортди, саноат маҳсулотлари - 8,5 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари - 6,1 фоиз, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш эса 11,8 фоизга кўпайди. Бошоқли дон етиштириш бўйича энг юқори кўрсаткичга эришилди - 5 миллион 400 минг тонналик хирмон бунёд этилди.

Иқтисодиётга жалб этилган инвестициялар ҳажми 1 триллион 400 миллиард сўмдан ортди. Шундан 650 миллион АҚШ долларидан ортиғи хорижий инвестициялардир. Бу соҳада амалга оширилаётган тадбирлар натижасида ўтган йил давомида 56 та ишлаб чиқариш объекти ишга туширилган бўлса, шундан 15 таси йирик корхона ва иншоотлардир.

Иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган корхоналарни молиявий соғломлаштириш, таркибий ўзгартириш ва тугатиш чора-тадбирлари таъминланмоқда. Жумладан, йил давомида 304 корхона зарар кўриб ишлаш ҳолатидан чиқарилди, 154 корхона бўйича турли банкротлик жараёнлари бошланди.

Қатъий пул-кредит сиёсати ўтказилиши ҳисобига инфляциянинг ўртача ойлик ўсиш суръати 1,6 фоиз даражасигача камайди, пул массасининг ўсиш суръатлари пасайди. Аҳоли жон бошига ялпи даромадлар йил давомида 1,4 баробар, реал даромадлар эса 12,6 фоиз ўсди.

Президентимиз йиғилганлар эътиборини иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳадаги ҳал этилмаётган, ислоҳотлар йўлида тўсиқ бўлиб турган айрим масалалар ва муаммоларга қаратди.

Иқтисодиётнинг аксарият тармоқлари ва соҳаларида ислоҳотлар чала-ярим амалга оширилмоқда. Давлат мулкини хусусийлаштиришда бир томонлама ва юзаки ёндашув ҳоллари учраб турибди. Хусусийлаштириш кўп ҳолларда расмиятчилик билан ўтказилаётир. Кўпгина корхоналар бозор шароитларига ва талабларига сусткашлик билан мослашмоқда. Капитал қурилиш ва коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда жиддий нуқсонларга йўл қўйилган.

Мажлисда қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар ва уларни амалга оширишдаги мавжуд нуқсонларни бартараф этиш, ер, сув, газ ва энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш масалалари атрофлича кўриб чиқилди. Мамлакатимиз раҳбари бу жабҳалардаги хато ва камчиликларга батафсил тўхталди.

Ислом Каримов ички бозорни сифатли, аввало, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари билан тўлдириш қониқарсиз таъминланаётгани хусусида тўхталар экан, улгуржи ва чакана савдо тизими суст ташкил этилгани, товарларнинг республика бозорларига ноқонуний, контрабанда йўли билан кириб келиши ҳолларига тўла барҳам берилмаганини танқид қилди.

Мажлисда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини, "Обод маҳалла йили" ва бошқа давлат дастурларини изчил амалга ошириш, ишчи кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, касб маҳоратини юксалтириш каби масалалар ҳам муҳокама қилинди. Юртбошимиз кадрларни профессионал жиҳатдан ўстириш тизимини яратиш ҳақида сўзлаш асносида ходимга лавозим учун эмас, балки малака учун ҳақ тўлаш тизимини яратиш зарурлиги хусусида тўхталди.

Президентимиз ўтган йилда барча жабҳаларда эришилган ютуқлар ягона ва аҳил оила бўлиб яшаётган мамлакатимиз халқи, ватанпарвар ва фидойи ҳамюртларимиз меҳнати самараси эканини, бу эса танлаган йўлимиз нечоғли тўғрилигидан яна бир бор далолат беришини қайд этди.

Кўрилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Н.Юсупов, Давлат мулки қўмитаси раиси М.Асқаров, "Ўзмашсаноат" уюшмаси раиси М.Набиев, Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси раиси Г.Саидова, Хоразм вилояти ҳокими И.Бобожонов ва Самарқанд вилояти ҳокими Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

**ЎзА.**

*Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг*
*ҚАРОРИ*

2003 йил 17 февраль

## 2002 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2003 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида

1. Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, 2002 йилда иқтисодий ислоҳотларни эркинлаштириш, чуқурлаштириш, иқтисодиётни барқарор ва мутаносиб ўстиришни таъминлаш йўли изчил ва аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга оширилди. Натижада:

кўп укладли иқтисодиёт фаол шакллантирилмоқда, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, корхоналарнинг иқтисодий эркинлигини кенгайтириш, хусусий сектор улушини кўпайтириш чора-тадбирлари амалга оширилди;

ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 104,2 фоизни, саноатда 108,5 фоизни, қишлоқ хўжалигида 106,1 фоизни, чакана товар айланмаси 101,7 фоизни ва аҳолига пулли хизматлар кўрсатиш 108,3 фоизни ташкил қилди. Аҳолининг ўртача жон бошига даромадлари 12,6 фоизга ўсди. Ташқи савдода 276,4 миллион АҚШ доллари миқдорида ижобий сальдога эришилди;

қатъий пул-кредит сиёсати ўтказилиши ҳисобига инфляциянинг ўртача ойлик ўсиш суръати 1,6 фоиз даражасигача камайди, пул массасининг ўсиш суръатлари пасайди, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,8 фоиз миқдорида тақчиллик билан ижро этилди;

иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқларига инвестиция жалб этиш сиёсати изчиллик билан ўтказилмоқда, юқори технологияларга асосланган ва рақобатбардошли маҳсулот чиқарувчи ишлаб чиқаришлар ишга туширилди;

иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган корхоналарни молиявий соғломлаштириш, таркибий ўзгартириш ва тугатиш чора-тадбирлари таъминланмоқда. 304 корхона зарар кўриб ишлаш ҳолатидан чиқарилди, 154 корхона бўйича турли банкротлик тартиботлари амалга оширилди;

давлат ва назорат органларининг корхоналарнинг хўжалик фаолиятига аралашиши камаймоқда;

корхоналарнинг биржадан ташқари валюта бозорига кириб бориши анча эркинлаштирилди, юридик шахслар учун хорижий валютани конвертациялаш ва сотиб олиш тартиби бирмунча соддалаштирилди.

Шу билан бирга, иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳада ислоҳотлар йўлида тўсиқ бўлаётган ҳал қилинмаган масалалар ва муаммолар мавжудлигича қолмоқда.

Иқтисодиётнинг кўпгина тармоқлари ва соҳаларида - қишлоқ хўжалигида, капитал қурилишда, коммунал хизмат кўрсатишда ва умуман иқтисодиётда иқтисодий ислоҳотлар пала-партишлик билан амалга оширилмоқда, ҳали мантиқий якунига етказилмаган, бу эса амалда кўрилаётган чора-тадбирлар самарасини пасайтирмоқда.

Хусусийлаштириш кўп ҳолларда расмиятчилик билан амалга оширилмоқда. Корпоратив бошқариш принципларига риоя этилмаяпти. Уюшма ва компаниялар корхоналарнинг хўжалик фаолиятига ҳамон аралашмоқда, турлича тартибга солиш ишларини давом эттиришмоқда.

Кўпгина корхоналар бозор шароитларига ва талабларига ниҳоятда сусткашлик билан мослашмоқда. Паст сифатли, талаб катта бўлмаган маҳсулотлар ишлаб чиқариш давом этмоқда, бир қанча тармоқларда паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналар улуши юқорилигича қолмоқда.

**(Давоми 2-бетда).**

Ислоҳот: натижа ва истиқбол

**Қишлоқда янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнини амалга ошириш борасида танланган ислоҳотлар стратегиямиз бугунги куннинг ўзида ўз натижаларини бермоқда.**
**Ислом КАРИМОВ.**

# БИЗ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСМИЗ, КАМ БЎЛМАЙМИЗ ҲАМ

## Мустақил мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда ўз ўринларини топиб олган деҳқонлар шундай демоқдалар

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2003 йилда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга бағишлаб ўтказилган навбатдаги мажлисида Президент Ислом Каримов иқтисодиётни барқарор ва мутаносиб ўстиришни таъминлаш йўли бераётган самараларни алоҳида таъкидлади. Қуйичирчиқ туманида ўзининг ҳамма соҳадаги фаолияти билан давлатимиз раҳбарининг ана шу таърифига жавоб бера оладиган бир хўжалик бор.**

Унчалик оддий бўлмаган ўтиш давридаги барча қийинчиликлар, мураккабликлар, танглikларга қарамасдан у бугун шундай ижтимоий-иқтисодий салоҳиятга эришдики, бундай хўжаликлар наинки Тошкент вилоятида, балки бутун мамлакатда бармоқ билан санарли.

Бу — Алишер Навоий номли ширкат хўжалиги. Бугун сарҳисоб қилиниб, натижалари чиқарилаётган йилда бу хўжалик деҳқонлари 12 минг 706 тонна шоли, 913 тонна буғдой етиштиришди. Шоличиликдан 1 миллиард 460 миллион 566 минг сўм, буғдой етиштиришдан 34 миллион 288 минг сўм даромад жамғарилди. Ялпи даромад 1 миллиард 890 миллион сўмга етди. Хўжаликнинг соф фойдаси 656 миллион 398 минг сўмни ташкил этди. Рентабеллик эса 76 фоизга кўтарилди. Пайчиларга дивиденд тўлаш учун 177 миллион сўм ажратилди. Айрим деҳқонлар 3 миллион сўмгача дивиденд олишлари кутилмоқда.

«Тошкент ҳақиқати» ўзининг учинчи саҳифасини иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга ошириш, имкониятларни ишга солиш учун тинимсиз изланиш йўлидан бораётган ажойиб инсонлар, улар эришаётган натижаларга бағишламоқда. Ҳикоямиз қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янгича ташкил этиб, хўжалик иқтисодиётини юксалтиришга бош-қош бўлаётган талантли, ҳисоб-китобли, деҳқоннинг ишлаб топаётганини ўрни-ўрнига қўяётган ҳақиқий ишбилармон раҳбарлару ташкилотчилар, ўз меҳнати билан бойлик яратиб, маъмур яшаётган бахтли инсонлар ҳақида.

**(Давоми 3-бетда).**



# ХИТОЙ ҲУКУМАТИНИНГ БЕҒАРАЗ ЁРДАМИ

*Хитой ташқи савдо ва иқтисодий ҳамкорлик вазирининг ўринбосари Чжоу Кэжен раҳбарлигидаги делегация 15 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Элёр Ғаниев билан учрашди.*

Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Мазкур соҳадаги ҳамкорлик истиқболига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув якунида икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқалар кўламини кенгайтириш мақсадида Хитой ҳукумати томонидан Ўзбекистонга 5 миллион юан (600 минг АҚШ долларига тенг) миқдорида беғараз ёрдам ажратиш тўғрисида алмашув ноталари имзоланди.

**(ЎзА).**

*Ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этаётган, ўқиши, илмий изланишлари билан тенгдошларига ибрат бўлаётган иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қанча давлат ва жамоат ташкилотлари стипендиялари жорий этилган.*

## «КАМОЛОТ» СТИПЕНДИАТЛАРИ АНИҚЛАНДИ

"Камолот" стипендияси ҳам ана шундай мақсадда ташкил этилган. Бу йил уни оладиган илғор талабалар аниқланди. Улар Фарғона давлат университети талабаси Сурайё Ғафурова, Самарқанд давлат чет тиллар институти талабаси Синдорбек Ҳамроқулов, Тошкент давлат аграр университети талабаси Акбар Ғиёсхонов, Термиз давлат университети талабаси Умиджон Насимов, Нукус давлат педагогика институти талабаси Абай Актилевов, Наманган давлат университети талабаси Нигора Отақўзиева, Навоий давлат кончилик институти талабаси Сарвар Раймовдир.

**ЎзА.**

Вилоят ҳокимлигида

# ҲАЛОЛ ТАДБИРКОР ҲУРМАТГА ЛОЙИҚ

*Вилоятимизда фаолият кўрсатаётган кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик тузилмалари сони йил сайин кўпайиб, ҳозирги кунда 16 мингтадан ҳам ортиб кетди. Уларда 60 минг нафардан ортиқ фуқаро меҳнат қилмоқда.*

Бундай тузилмаларнинг вилоят халқ хўжалигидаги мавқеи тобора мустаҳкамланиб боряпти, иқтисодиётнинг барча тармоқларида етакчи ишлаб чиқариш кучига айланмоқда. Чунки, бу хусусий секторни ривожлантириш, фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериш юзасидан янги-янги қонунлар, фармонлар, қарорлар қабул қилинмоқда.

Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик тузилмаларининг аксарият кўпчилиги самарали ишлаб, уларнинг ички ва ташқи бозорга етказиб бераётган маҳсулотлари ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Илғор технология ва замонавий асбоб-ускуналарни жорий қилиш туфайли импорт ўрнини босадиган ва экспортбоп маҳсулотлар тайёрлашяпти.

Тадбиркорликни ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилмаганида эди эришилаётган ютуқлар янада салмоқли бўларди. Афсуски, бундай нуқсонлар ҳамон учрамоқда. Улар кўп жиҳатдан тадбиркорлар ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тўла тушунмаётганлиги оқибатида ҳам содир бўлаяпти. Шунинг учун уларнинг ўз ҳуқуқларини билишларига эришиш шу куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқ-

**(Давоми 2-бетда).**

# ТАЛАБАЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

*Оққўрғон туманидаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида «Обод маҳалла йили»га бағишланган тадбир бўлиб ўтди.*

Унда туман хотин-қизлар қўмитаси, оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Қизил Ярим Ой» жамияти туман бўлимлари ҳамда Тинчлик маҳалласи фаоллари қатнашишди.

Асосий эътибор «Обод маҳалла» тушунчасини талабалар онгига сингдиришга қаратилди. Маҳалланинг жамият тараққиётида тутган ўрни, уни мустаҳкамлашда ёшларнинг вазифалари нималардан иборат эканлиги хусусида фикр-мулоҳаза юритилди. Очиқ мулоқот тарзида қизиқарли ўтган бу тадбир барча иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

ВИЛОЯТ ҳаёти

## ХАЛҚ СОҒЛИГИ ЮРТ БОЙЛИГИ

*Республика Саломатлик институти Тошкент вилояти филиали фаолияти тобора кенгайиб бормоқда. Шаҳар ва туманларда унинг шохобчалари ташкил этилиб, эл саломатлиги йўлида саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.*

Куни кеча Бекобод шаҳрида яна бир ана шундай саломатлик маркази иш бошлади. Шу муносабат билан марказий шифохонада «Халқ соғлиги — юрт бойлиги» мавзуида тадбир бўлиб ўтди. Унда марказнинг вазифалари, мақсади йиғилганларга батафсил тушунтириб берилди.

**Камола КАРИМОВА.**

## АГАР ОГОҲСЕН СЕН...

*Қуйичирчиқ туманида ана шу мавзуда тадбир бўлиб ўтди. Унда туман ҳокимлиги мутасаддилари, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар вакиллари, корхона, ташкилотлар раҳбарлари, шунингдек, маҳаллалар оқсоқоллари, хотин-қизлар қўмиталари раислари ва ўқувчи ёшлари иштирок этишди.*

Тадбирда бугунги кунда олиб борилаётган ислоҳотлар, мамлакат хавфсизлиги йўлида кўрилаётган чора-тадбирлар, тинчликни сақлашда жамоатчиликнинг ўрни ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Ўз мухбиримиз.**

*Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг*

*ҚАРОРИ*

# 2002 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2003 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида

Ички бозорни сифатли, энг аввало, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари билан тўлдириш ниҳоятда қониқарсиз таъминланмоқда, улгуржи ва чакана савдо тизими суст ташкил этилган, товарларнинг республика бозорларига ноқонуний, контрабанда йўли билан кириб келиши ҳолларига барҳам берилмаган.

2. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари минтақаларда, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларида иқтисодий ислоҳотлар якунларини танқидий кўриб чиқсинлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маърузасида қўйилган вазифаларни рўёбга чиқариш юзасидан амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маърузасида баён қилинган талаблардан келиб чиққан ҳолда қуйидагилар ҳал этилиши учун 2003 йилда саъй-ҳаракатлар ва ресурслар жамланадиган, иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги пала-партишликни тугатиш ва, биринчи навбатда, мамлакат иқтисодиётида хусусий секторнинг ролини кучайтириш;

хусусийлаштиришда расмиятчиликдан реал хусусийлаштиришга ўтиш, хусусийлаштирилган корхоналарнинг устав сармоясида давлатнинг улушини тубдан қисқартириш, бошқарувнинг корпоратив тизимини мустаҳкамлаш, акциялаштирилган жамиятни бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш, хўжалик бирлашмаларининг корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашишини тугатиш;

қишлоқда бозор муносабатларини чуқур жорий этиш, бозор хусусиятига эга бўлган ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари фаолиятининг эркинлигини чекламайдиган принципиал жиҳатдан янги баҳолаш мезонларига ўтиш, қишлоқ хўжалигини бошқариш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш;

иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб ўсишини таъминлаш, қатъий пул-кредит сиёсатини ўтказиш, инфляция даражасини кескин қисқартириш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш;

солиқ-бюджет соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш, давлат харажатларини сарфлаш механизмини мақбуллаштирган ҳолда уларни қисқартириш;

республика ҳудудига истеъмол товарлари ноқонуний, контрабанда йўли билан олиб келинишига йўл қўймаслик, товарларни республикада ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш ва шу асосда ички истеъмол бозори тўлдирилишини таъминлаш, савдони ташкил этиш тизимини такомиллаштириш;

валюта бозорини янада эркинлаштириш, жорий операциялар бўйича миллий валютанинг эркин конвертацияланишини таъминлаш;

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишни давом эттириш, ишчи кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, касб маҳоратини ўстиришни рағбатлантириш бўйича яхлит тизимни яратиш;

қабул қилинган ижтимоий дастурларни, биринчи навбатда аҳолининг ижтимоий ночор табақаларини аниқ тарзда қўллаб-қувватлаш, соғлом авлодни тарбиялаш, "Обод маҳалла йили" ва бошқа дастурларни рўёбга чиқариш асосида аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган ижтимоий сиёсатнинг таъсирчанлигини ва аниқ тарзда қўллаб-қувватлашини кучайтириш.

4. Давлат мулки қўмитаси (Асқаров), бошқарувнинг тармоқ органлари раҳбарларининг эътибори хусусийлаштиришдан кейинги даврда корхоналар фаолияти, давлат мулкидан фойдаланиш самарадорлиги устидан зарур назоратнинг мавжуд эмаслигига, корхоналарни акциялаштириш жараёнларига инвесторларни жалб этиш, акцияларида давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятларида давлатнинг ишончли вакиллари ва ишончли бошқарувчиларни танлаш ишларининг сустлигига қаратилсин.

Хусусийлаштирилган корхоналарни бошқаришни такомиллаштириш масалалари бўйича махсус комиссия (Азимов), Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202-сон Фармони талабларини амалга ошириш юзасидан комплекс амалий чора-тадбирлар кўрилишини;

хусусийлаштирилган корхоналар, акцияларида давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари, ишончли бошқарувчилар ва давлатнинг ишончли вакиллари фаолияти устидан 2003 йилнинг биринчи чорагида мониторинг тизими жорий этилишини;

қимматли қоғозлар билан битишувлар фақат уюшган фонд бозорида тузилишини, савдоларнинг ошкоралиги ва қулайлигини назарда тутган ҳолда қимматли қоғозлар иккиламчи бозорини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминласинлар.

Амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисида 2003 йил 1 ярим йиллиги якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

5. Адлия вазирлиги Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига акцияларнинг давлатга тегишли пакетларини хўжалик бирлашмаларининг ишончли бошқарувига бериш амалиётини бекор қилувчи, ишончли бошқарувчиларни тайинлаш тартибини ва уларнинг масъулиятини аниқ тартибга солувчи, хусусийлаштирилган корхонани корпоратив бошқариш механизмини аниқ регламентловчи қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси (Саидова):

Олий хўжалик суди (Абдусаломов) билан биргаликда Иқтисодий ночор ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарни тугатиш ҳамда таркибий ўзгартириш бўйича қабул қилинган дастурни сўзсиз бажариш, иқтисодиётнинг реал секторларида молиявий аҳволни соғломлаштириш ишларини фаоллаштирсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда ижтимоий соҳа объектларини жойлардаги ҳокимият органлари балансига бериш ва тасдиқланган таркибий ўзгартириш дастурига эга бўлган корхоналарнинг фойдаланилмаётган қувватларини консервация қилиш, шунингдек зарар кўриб ишлаётган хусусийлаштириладиган корхоналар мол-мулкини баҳолаш механизмини такомиллаштириш юзасидан бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ер ресурслари давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги, Олий хўжалик суди норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришни ҳисобга олган ҳолда, бир ой муддатда шартномалар тузилиши ва аниқ субъектлар - қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар ва қишлоққа хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида мажбуриятларга риоя этилиши ҳолати устидан пухта текшириб борувчи аниқ механизм барпо этилишини, уларнинг бажарилиши учун масъулият оширилишини назарда тутган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан амалдаги намунавий шартномаларга ўзгартиришлар киритсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари барча даражаларда шартномаларнинг сифати ва тузилган шартномаларнинг мажбурий бажарилиши устидан назоратни кучайтирсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мавсум оралиғидаги даврда агротехника ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишга доир илғор тажрибани ўрганиш учун фермерларни хорижий мамлакатларга юборишни амалда кенг қўлласин.

9. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига паррандачиликни ривожлантиришни янада жадаллаштириш юзасидан Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин, тармоқ корхоналарининг ҳудудлар бўйича оқилона жойлаштирилишини, озуқа базасини мустаҳкамлашни ва маҳсулот етиштириш ҳажмини кўпайтиришни назарда тутсин.

10. Молия вазири М.Нурмуродов бошчилигидаги махсус комиссия жорий йилнинг 15 апрелигача қурилиш қиймати ўсишига таъсир кўрсатувчи омилларни чуқур ўрганиб чиқсин, ўтказилаётган танлов савдолари натижаларини, қурилиш материаллари ва асбоб-ускуналарни харид қилишнинг шаклланган тизимини танқидий баҳоласин ҳамда ушбу масалалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклифлар киритсин.

11. "Даварxитектқурилиш" қўмитаси (Тохтаев), "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик компанияси (Акрамов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тендер савдолари расмиятчилик билан ўтказилишини бартараф этишда, пудрат ишлари бозорини яратишда, нархларни шакллантириш тизимида, ассортиментни янгилашда, маҳсулотнинг импортнинг ўрнини босувчи турларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришда ижобий силжишларнинг мавжуд эмаслиги кўрсатиб ўтилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (К.Тўлаганов) бир ой муддатда капитал қурилишдаги ишларнинг аҳволини тубдан ўзгартириш юзасидан Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2003-2005 йилларда қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш дастурининг мўлжалланган параметрларини танқидий қайта кўриб чиқсин ҳамда айниқса газ ва сув қувурлари тармоқлари билан таъминланганлик даражаси паст минтақаларда уларни ишга туширишни жадаллаштириш юзасидан реал молиявий манбалар билан таъминланган қўшимча чора-тадбирлар кўрсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги 1991 йилгача қурилган кўп квартирали уйларни мукаммал таъмирлаш бўйича йўл қўйилган қолоқликни тўлдиришни ҳисобга олган ҳолда 2003 йил учун тасдиқланган жадвалнинг, уй-жой фондини табиий газ ва сувни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш бўйича топшириқларнинг сўзсиз бажарилишини таъминласинлар.

14. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари республикага истеъмол товарларининг ноқонуний, контрабанда йўли билан олиб келинишининг олдини олиш масалалари бўйича Давлат божхона қўмитаси бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтирсинлар.

15. Вазирлар Маҳкамаси жорий йилнинг биринчи ярим йиллик якунлари бўйича улгуржи ва чакана савдони тартибга солишга, республика ҳудудида улгуржи базалар, дўконлар, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоғини ривожлантиришга қаратилган қабул қилинган Ҳукумат қарорлари бажарилишини кўриб чиқсин ҳамда зарурат бўлганда тегишли тузатишлар киритсин.

16. Қуйидагиларнинг:

"Кўмир" акциядорлик бирлашмаси (Клименко), "Махсусқотишма" республика ташкилоти (Шарипов), "Ўзмашсаноат" уюшмаси (Набиев), "Ўзкимёсаноат" (Ҳасанов), "Ўзбекнефтгаз" (Мажитов), "Ўзбекенгилсаноат" (Исмоилов) компаниялари раҳбарларининг эътибори - корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ривожлантиришда ташаббускорлик ва тадбиркорликнинг йўқлигига, экспортга маҳсулот етказиб бериш прогноз ҳажмлари таъминланмаганлигига;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси (Тангирберганов), Андижон (Обидов), Бухоро (Хусенов), Наманган (Жабборов), Самарқанд (Мирзиёев), Тошкент (Мирзақулов), Фарғона (Отабоев) вилоятлари ва Тошкент шаҳри (Шоабдураҳмонов) ҳокимларининг эътибори - коммунал хизматлар кўрсатиш соҳасида рақобат муҳитини яратиш, қарзларни камайтириш ишларининг етарли эмаслигига қаратилсин.

Кўрилган чора-тадбирларнинг натижалари тўғрисида 2003 йил биринчи ярим йиллигидаги иш якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

17. Икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Султонов бошчилигида республикада кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг яхлит тизимини барпо этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этилсин. Ушбу комиссия таркибига ўз ходимлари малакасини оширишдан бевосита манфаатдор бўлган уюшмалар, корпорациялар, концернлар, компаниялар, бошқа хўжалик бирлашмалари ва корхоналарнинг, шунингдек кадрлар малакасини ошириш ва уларни ўқитиш жараёнини ташкил этишни таъминлаши мумкин бўлган ташкилотларнинг вакиллари киритилсин.

Комиссия:

икки ой муддатда кадрлар, энг аввало ишчи кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоғини барпо этиш ва унинг самарали ишлаши юзасидан аниқ дастурни ишлаб чиқсин;

кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнига Ўзбекистонда ҳозир бўлган йирик хорижий компанияларни ҳамда бошқа хорижий шерикларни, шунингдек халқаро молиявий тузилмаларнинг грантлари ва техник ёрдамини жалб этиш юзасидан фаол иш олиб борсин.

Амалга оширилган ишларнинг натижалари тўғрисида 2003 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича ахборот берилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат тест маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари республика комиссияси ва минтақавий комиссиялар тузсинлар ва икки ой муддатда:

махсус ишлаб чиқилган тест дастурлари асосида халқ таълими вилоят бошқармалари, туман ва шаҳар бўлимлари ходимларини аттестациядан ўтказсинлар ҳамда аттестация натижаларига кўра уларнинг профессионал таркиби кучайтирилишини ва контракт асосида янги меҳнат шартномалари тузилишини таъминласинлар;

умумтаълим мактаблари ўқитувчилари таълим ва касб даражасининг ўқитувчиларга қўйиладиган малака талабларига мувофиқлигини, уларнинг самарали фаолият кўрсатишлари ва касб тайёргарлигини оширишлари учун шарт-шароитлар ва рағбатлар мавжудлигини ўрганиб чиқсинлар. Ўрганиш натижаларига кўра ҳар бир мактаб, туман ва минтақа бўйича вужудга келган аҳволни яхшилаш юзасидан тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар;

педагог кадрларнинг асосий фаолияти, қайта тайёргарликдан ва малака оширишдан ўтиши натижаларига кўра уларга тоифалар бериш механизми бўйича таклифлар киритсинлар.

19. Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплекси (Кароматов), Ахборот-таҳлил бошқармаси (Хўжаев), "Ўзтелерадио" компанияси (Кўчимов), Матбуот ва ахборот агентлиги (Шоғуломов) мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилиш жараёнларини оммавий ахборот воситаларида холисона, малакали ва чуқур ёритиш мақсадида:

ушбу ишга вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарлари ва етакчи мутахассисларини, фан ходимларини ва жамоатчилик вакилларини кенг жалб этсинлар;

ижтимоий-иқтисодий муаммоларга ихтисослашаётган журналистлар учун мунтазам равишда семинарлар ташкил этсинлар, уларни тегишли статистика маълумотлари ва бошқа маълумотлар билан таъминласинлар.

20. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Бегалиев), "Ўзагромашсервис" уюшмаси (Нишонов), "Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг" компанияси (Матчонов) 2003 йил 15 мартгача баҳорги дала ишларини ўтказиш учун зарур бўлган барча қишлоқ хўжалиги техникаси, 1 майгача эса - ғалла ўрим-йиғим комбайнлари ва чорва озуқаси йиғиштириш техникаси тайёрлаб қўйилишини таъминласинлар.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги экиш мавсуми бошлангунга қадар коллектор-дренаж ва суғориш тармоқларини тозалашни ва таъмирлашни, насос станциялари ва гидротехника иншоотларини таъмирлашни тугалласин.

"Ўзпахтасаноат" уюшмаси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ғўзани жойлаштиришнинг тасдиқланган схемасига мувофиқ жорий йилнинг 1 мартигача юқори классли уруғлик чигит тайёрлаб қўйилишини ва уларнинг ўз вақтида сифатли дориланишини таъминласинлар.

21. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Султонов зиммасига юклансин.

Ушбу қарорнинг бажарилиши йилнинг ҳар чорагида ҳамда 2003 йил якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида кўриб чиқилсин.

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.**

---

Вилоят ҳокимлигида

## ҲАЛОЛ ТАДБИРКОР ҲУРМАТГА ЛОЙИҚ

да. Вилоят ҳокимлигида республика Адлия вазирлиги томонидан яқинда ўтказилган семинар-кенгаш шу масалага бағишланди. Тадбирда вилоятнинг мутасадди бошқармалари ва бўлимлари раҳбарлари, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органлари, вилоят шаҳарлари ва туманлари ҳокимлари, уларнинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарлари, банк ходимлари, тадбиркорлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари раҳбарлари қатнашдилар.

Семинар-кенгашни вилоят ҳокими Уммат Мирзақулов бошқарди.

Унда маъруза қилган республика Адлия вазирининг ўринбосари Ҳ.Содиқов вилоятимизда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган қонунлар, фармонлар ва қарорларга қандай амал қилинаётганлиги ҳақида анча батафсил гапирди. Семинар савол-жавоблар, мунозаралар асосида ўтди. Тадбиркорликни ривожлантиришда сунъий тўсиқлар ҳамон кўплиги таъкидланди. Айрим ҳолларда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик тузилмаларини рўйхатга олиш, уларга кредит бериш, зарур ҳужжатларни тайёрлаш чўзиб юборилмоқда. Ўтган йили тадбиркорлар ҳуқуқларини поймол қилинаётганлиги ҳақидаги 201 та даъво аризаси тушди. Уларнинг кўпчилиги асосли эканлиги аниқланиб, бу ишда ўзибўларчиликка йўл қўйган 35 нафар мансабдор шахслар жазоланди ва улар етказган моддий зарар тадбиркорлар фойдасига ундириб берилди. Улар орасида ҳокимларнинг ҳам борлиги афсус билан қайд қилинди, ваҳоланки, улар қонунлар, фармонлар ва қарорларни амалга оширишга ва уларга қатъий амал қилинишига эришмоқлари даркор.

Семинар-кенгашда ҳалол ишлаб, эл-юрт ҳурматини қозонаётган тадбиркорларга ёрдамни ҳар томонлама кенгайтириш, уларнинг шартнома мажбуриятлари тўла бажарилиши юзасидан масъулиятларини ошириш, ҳуқуқий тарбиясини янада такомиллаштириш, қонунбузарликларга нисбатан жазо чораларини кучайтириш, тадбиркорликка оид қонунларнинг тўлиқ ижросини таъминлаш юзасидан вазифалар ҳақида сўз борди. Унинг қатнашчилари ўзларини қизиқтирган барча масалалар бўйича атрофлича жавоб олдилар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

## ЮРТ КЎРКИ ГЎЗАЛ БЎЛСА

*Вилоят ҳокимлиги томонидан қабул қилинган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш дастури бўйича шаҳар ва туманларда ишлар бошлаб юборилди.*

Жумладан, Чиноз тумани ҳокимлигида бу масала юзасидан маҳалла оқсоқоллари, корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг кенгаши ўтказилди.

Катта йўл четлари, маҳалла гузарларига гуллар, манзарали ҳамда мевали дарахт кўчатларини экиш бошланди. Чиноз марказида, шунингдек, Эски Тошкент қишлоғида бу ишлар уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

*Ўз мухбиримиз.*

---



## РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

**2003 йил 21, 28 февраль 7, 14, 28 март кунлари кимошди ва танлов савдоларини ўтказади**

Кимошди савдоларида якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, мерос қилиб қолдирадиган, Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, лойиҳадаги Г-64м ва Г-38м кўчаларида жойлашган, сатҳи 0,04 га бўлган, **ҳар бирининиг бошланғич нархи – 640 000 сўм.**

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Қурувчи» мавзесида жойлашган якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 гектарга тенг бўлган 1-12-сон ва 14-сон ер участкаларининг эгалик ҳуқуқи ва сатҳи 0,02 гектарга тенг бўлган 13-сон ер участкасининг эгалик ҳуқуқи сотилади.

**0,04 гектар ернинг ҳар бирининг бошланғич нархи – 1 648 000 сўм.**

**0,2 гектар ернинг бошланғич нархи – 824 000 сўм.**

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Спутник» даҳасида жойлашган уй-жой бинолари орасидаги бўш ётган уйларнинг пойдеворлари эгаллаб турган ер участкаларини якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган қуйидаги ер участкаларининг эгалик ҳуқуқи сотилади:

Спутник-1 мавзеси, 58 ва 61-уйлар орасида жойлашган сатҳи 0,03 га бўлган ер майдони.

Спутник-8 мавзеси, 28-уй ёнида жойлашган сатҳи 0,03 га бўлган ер майдони.

Спутник-8 мавзеси, 42, 45 ва 46-уйлар олдида жойлашган сатҳи 0,03 га бўлган ер майдони.

Спутник-9 мавзеси, 11 ва 12-уйлар орасида жойлашган сатҳи 0,03 га бўлган ер майдони.

Спутник-9 мавзеси, 7 ва 8-уйлар орасида жойлашган сатҳи 0,03 га бўлган ер майдони.

Спутник-9 мавзеси, 31-уй ёнида жойлашган сатҳи 0,03 га бўлган ер майдони.

Спутник-9 мавзеси, 47-уй ёнида жойлашган сатҳи 0,03 га бўлган ер майдони.

Спутник-1 мавзеси, 60-уй, сатҳи 0,03 га бўлган ер майдони.

Спутник-3 мавзеси, 49-уй, сатҳи 0,018 га бўлган ер майдони.

Спутник-3 мавзеси, 52-уй, сатҳи 0,018 га бўлган ер майдони.

Спутник-3 мавзеси, 60-уй, сатҳи 0,018 га бўлган ер майдони.

Спутник-2 мавзеси, 51-уй, сатҳи 0,03 га бўлган ер майдони.

0,03 гектар ернинг ҳар бирининг **бошланғич нархи – 714 000 сўм.**

0,018 гектар ернинг **бошланғич нархи – 428 400 сўм.**

**Танлов савдоларда:**

– Яккасарой тумани халқ таълими бўлимига қарашли Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Яккасарой кўчаси, 6-уйда жойлашган 264-сонли болалар боғчаси.

Бошланғич нархи – 12 923 000 сўм ёки 18 854 АҚШ доллари қўйилади.

– Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлимига қарашли Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Қаландар кўчаси, 14-уйда жойлашган 60-сонли болалар боғчаси.

**Бошланғич нархи – 30 247 100 сўм ёки 36 884 АҚШ доллари қўйилади.**

### Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят филиалида

**3, 5, 7 февраль кунлари бўлиб ўтган биржа савдоларида 15та жами 71270000 сўмлик нодавлат кўчмас мулк объектлари, 4та 1050000 сўмлик нодавлат қурилиши тугалланмаган уй-жой бинолари ва 1та 535000 сўмлик нодавлат асбоб-ускунаси сотилди.**

14 февралда бўлиб ўтган биржа савдосида 7та нодавлат кўчмас мулк объектлари жами 40512200 сўмга сотилди, 4та нодавлат қурилиши тугалланмаган уй-жой биноси жами 1020000 сўмга сотилди.

12 февралда бўлиб ўтган кимошди савдосида Юқоричирчиқ ва Қибрай туманларида жойлашган жами 8та ер майдони 3160000 сўмга сотилди.

### ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ

1. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассаса ташкил этиш.
2. Белгиланган фаолият соҳасини камида 5 йил мобайнида сақлаб қолиш.
3. Боғча биносини ва иншоотларини қисқа муддатларда замонавий меъёр ва андозаларга жавоб берадиган ҳолда қайта қуриш ва таъмирлаш.
4. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини замонавий талаблар асосида жиҳозлаш.
5. Боғча биносини ва иншоотларни қайта таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланадиган сармоялар ҳажми.
6. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига асосан болалар билан ишлаш таълим-тарбиявий концепциясига эга бўлиш.
7. Мактабгача ёшдаги болаларга кўрсатиладиган хизматлар тури ва ҳажми.
8. Хизмат ҳақлари бўйича таклифлар ва имтиёзлар.
9. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини ёнғин хавфсизлиги ва санитария талабларига жавоб берадиган ҳолда сақлаш ҳамда унга бириктирилган ҳудудда ободонлаштириш ишларини олиб бориш.
10. Сотиб олиш нархи ва тўлов муддатлари бўйича таклифлар.

Танлов савдоларига ва кимошди савдоларига қўйилган ер майдонлари учун аризалар савдодан уч кун аввал тўхтатилади.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Миробод тумани, Мовароуннаҳр, 16.**

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шоҳар, Шайхонтоҳур тумани, А. Қодирий кўчаси, 13-уй.**

**Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.**

## Ислоҳот: натижа ва истиқбол

# БИЗ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСМИЗ, КАМ БЎЛМАЙМИЗ ҲАМ

## БОЙЛИК ҒОЙИБДАН КЕЛМАЙДИ

**Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Зеро, ҳеч қандай бойлик ғойибдан келмайди. Унга изланиш, интилиш, бир-бири билан уйғунлашган ақлий ва жисмоний меҳнат орқали эришилади**

Бунга мисолни узоқдан қидиришнинг ҳожати йўқ. Вилоятимизда 190 дан зиёд хўжалик бор. Уларнинг иқтисодий аҳволи эса, табиийки, асло бирдек эмас. Айримларининг банклардаги ҳисоб рақамларида ўн миллион, ҳатто, юз миллионлаб пули турса, аксарияти давлатдан қарз. Аҳолининг турмуш даражаси ҳам шунга яраша. Нега? Чунки, меҳнатдан меҳнатнинг фарқи бор. Гап кетмонни қарсиллатиб уришда эмас...

Гапни ортиқча чувалаштирмай, индаллосига ўтайлик. Турсунхўжа Искандаровнинг Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини битириб, шу хўжаликка ишга келганига қарийб 33 йил бўлди. Шундан 11 йил бош муҳандислик қилди. Мана, хўжаликни бошқараётганига ҳам 19 йилдан ошди. Эътироф этиш керакки, бу йиллар изланиш, янгиликларга интилиш билан ўтди ва ҳамон шундай давом этаяпти. Ўтган йиллар мобайнида у шу нарсага амин бўлдики, агар деҳқон ўз меҳнатининг роҳатини кўрса, ишини билиб қилаверади. Ўргатишнинг, даъватнинг ҳожати бўлмайди.

Бунга қатъий ишонч ҳосил қилган Турсунхўжа Искандаров хўжалик бошқаруви тизимини, иш юритиш тамойилини ислоҳ қилишга киришди. Бунда асосий эътиборни аъзоларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга қаратди. Шу тариқа меҳнатни ташкил этишнинг ширкат усулига хос оила пудрати, чек дафтарчаси тамойиллари юзага келди. Бир сўз билан айтганда, Президентнинг жамоа хўжаликларини ширкатларга айлантириш тўғрисидаги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг шу ҳақдаги қарори эълон қилинган пайтда иш юритишнинг бу замонавий тизими анчагина шаклланиб, хўжалик халқ корпорацияси мақомини олишга улгурганди. Фақат уни янада такомиллаштириш қолганди, холос.

**Бугунги кунда хўжалик бошқаруви тизими алоҳида ва мустақил, аммо, бир-бирини тўлдириб борадиган учта хизмат соҳасидан иборат. Эндиликда молия-ҳисоб маркази хўжаликнинг энг асосий хизмат бўғини ҳисобланади.** Унга раҳбарлик қилаётган бош ҳисобчи Турғун Шермонов ва бош иқтисодчи Карим Аюпов хўжалик бошқаруви билан оилавий пудратчилар ўртасида тузиладиган шартнома бандларини кўпроқ шоликорларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлайдиган тарзда такомиллаштирдилар. Энди у қонун кучига эга. Яъни ҳар бир оилавий пудратчи етиштирган ҳосили ва қилган сарф-харажатига мувофиқ даромад олади. Ҳеч кимга ҳеч қандай қўшимча имтиёз йўқ, барча баробар. Шартномада белгиланган режани бажармаганлардан кўрилган зарар ундириб олинади. Буни иккита оилавий пудратнинг йил якунида эришган натижаси мисолида кўриш мумкин.

Озод Акбаров бошлиқ 11 кишидан иборат оилавий пудратчилар гуруҳи ўтган мавсумда 103 гектар ерда режадаги 468,6 тонна ўрнига 606 тонна шоли етиштирди. Комбайнчининг ҳақини чиқариб ташлаганда, ўзларига 129 тонна шоли қолди. Бу бозор нархида 25 миллион 800 минг сўм бўлади. Бундан ташқари пудратчилар ўн ой давомида 5 миллион 487 минг сўм нақд маош ҳам олишган. Демак, гуруҳнинг жами соф даромади 31 миллион 287 минг сўм. Уни 11 кишига тақсимласа, 2 миллион 844 минг сўмдан тегади. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир пудратчининг ойлик маоши мукофотларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, 258 минг 360 сўмдан тўғри келади. Ёки шоликорнинг бир кунлик меҳнатига 8612 сўм ҳақ тўланди. «Бўлиши мумкин эмас» деган шубҳага борувчиларга айтмоқчимиз: биз бу рақамларни молия-ҳисоб марказидаги 2002 йилги якуний ҳисоб-китоб ҳужжатларидан олдик.

Энди иккинчи мисол. Қўчқор Акбаров бош бўлган гуруҳда ҳам 11 киши ишлайди. Улар 75 гектар ерда режадаги 333,8 тонна ўрнига 318 тонна шоли етиштиришди. Гап бунинг сабабларида эмас, уни бошқарув раҳбарияти ва пудратчилар ўзаро муҳокама қилиб, келишиб олаверадилар. Муҳими — бундай вазиятда шартнома қай даражада қонун кучига эга эканлигида. Хуллас, гуруҳ шартномада белгиланганидан 15,8 тонна кам шоли топширди. Бу камомад пулга чақилса, 1 миллион 769 минг сўм бўлади. Йил якунида ана шу камомад гуруҳнинг даромадидан хўжалик фойдасига ушлаб қолинди.

Бундай гуруҳлар хўжаликда қирқта. Ҳаммаси «экканини ўради». Тартиб-қоида шундай, бошқача бўлиши мумкин эмас. Қизиғи шундаки, ҳеч ким норози бўлмайди. Чунки, ютуқлар ҳам, хато ва камчиликлар ҳам мавсум якунида, албатта, муҳокама қилинади. Бунинг учун молия-ҳисоб марказида қуйидагича тартиб жорий қилинган: йиллик ҳисобот йиғилиши олдидан бошқарув раиси хизмат соҳаси раҳбарлари билан биргаликда қирқта пудратчи гуруҳ билан алоҳида-алоҳида муҳокама-суҳбат ўтказади. Унда гуруҳдаги оилавий пудратчиларнинг ҳаммаси иштирок этади. Молия-ҳисоб марказининг раҳбари гуруҳнинг йил давомидаги бутун фаолиятини шарҳлаб, иқтисодий натижаларини таҳлил қилиб беради. Пудратчиларнинг фикр-мулоҳазалари тингланади. Пировардида якуний хулосалар чиқарилади.

**Бошқарув тизимининг яна бир муҳим соҳаси бош ҳосилот раҳбарлигидаги хизмат бўғинидир. Бу соҳа мутасаддилари асосан ҳосилдорликни ошириш, шолининг сифатини яхшилаш ҳаракатида бўладилар.** Барча саъй-ҳаракатлар шу масалага йўналтирилади. Жумладан, хўжалик ҳудудидаги сизот сувларини қочиришга мўлжалланган зовурлар йил давомида узлуксиз тозалаб турилади. Чунки, сурункали шоли экиладиган майдонларнинг захи қочирилмаса, тупроқнинг таркиби бузилади, унумдорлиги пасайиб кетади.

Пудратчилар ўз ишининг устаси бўлиб кетишган. Улар сифатли уруғлик, ўғит, гербицид, сув ва бошқа зарур воситалар билан вақтида, керагича таъминлаб турилса бас. Бош ҳосилот гуруҳи шуни ҳисобга олиб, ўғит ва гербицидларни доимо ортиғи билан ғамлаб қўяди. «Пулинг бўлса, чангалда шўрва» деганларидек, банкдаги ҳисоб рақамида юз миллионлаб пул тургани сабабли бу масалада ҳеч қандай муаммо йўқ. Пудратчилар гербицидлардан фойдаланишнинг ҳадисини олишгани боис, шолипояларда мутлақо бегона ўт бўлмайди. Ҳосил ҳам мўл, ҳам сифатли бўлишининг асосий сабабларидан бири шу.

Бош ҳосилот бошлиқ хизмат гуруҳининг яна бир муҳим вазифаси уруғлик шоли етиштиришдир. Бунинг учун аввало, энг яхши майдонлар танланади ва парваришига алоҳида эътибор қаратилади. Ҳосил етила бошлагач, бундай майдонлар жиддий кузатув остига олиниб, ҳосилнинг сифати текшириб борилади. Шу тариқа хўжалик бир неча йилдан буён ўзини таъминлашдан ташқари бошқа хўжаликларга ҳам сифатли уруғлик етказиб беради. Хуллас, бу ерда ҳар йили минг тоннадан зиёд уруғлик шоли тайёрланади. Бу ҳам қўшимча даромад. Чунки, уруғликнинг нархи анча баланд бўлади.

Ушбу хизмат гуруҳи кейинги йилларда ўзига хос алмашлаб экиш усулини кашф қилиб, жорий этди. Шолидан бўшаган майдонга кетма-кет икки йил ғалла экиб, ерга сувдан дам берилади. Учинчи йили яна шоли экилади. Бу биринчидан, ернинг захини қочириб, тупроқнинг таркибини яхшиласа, иккинчидан, бир ердан икки йилда уч марта ҳосил олиш имконини бераяпти.

Хўжалик раҳбарлари шоли ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига икки-уч йил ичида ғалла майдонини 450-500 гектарга етказишни режалаштирмоқда. Ана шунда янгича алмашлаб экиш анча такомиллашиб, янада яхши самара бериши шубҳасиз.

**Хўжаликнинг учинчи мустақил хизмат тармоғи йиллар давомида мукаммал шаклланган муқобил машина-трактор паркидир. Муқобил дейилишининг боиси шундаки, у хўжалик эҳтиёжини тўла қондиради, туман МТПсига муҳтожлик йўқ. Аксинча, у йил давомида туман хўжаликларига муайян даражада техника хизмати кўрсатади.**

Тажрибали мутахассис Ғафур Иброҳимов бошқараётган МТП, айтиш мумкинки, хўжаликнинг мустаҳкам иқтисодий таянчларидан бири. У 7 та «Магнум», 4 та ДТ-75, 8 та Т-130 тракторлари, 6 та «Кейс» ва 4 та «Енисей» комбайнлари, 30 дан ортиқ юк автомашиналари ҳамда зарур бўлган ер текислайдиган ва экишга тайёрлайдиган техника воситаларига эга. Амир Турсунов бошлиқ марказий таъмирлаш устахонасининг таъмирлаш ва пайвандлаш цехлари зарур асбоб-ускуна ва аппаратлар билан таъминланган.

МТП жамоаси 34 кишидан иборат. Механизаторларнинг бари универсал касб эгалари ҳисобланишади. Улар мавсумга қараб таъмирлаш ишларини бажаришади, ер текислайдиган техникаларни бошқаришади, шоли пишиб етилганда эса, уни ўриб-янчишда фаол иштирок этишади. Шунинг учун уларнинг даромадлари бевосита шоли етиштирадиган пудратчиларникидан қолишмайди. Масалан, МТПнинг оддий аъзолари ҳар ойда 18 минг сўмдан маош олиб туришади. Мавсум тугагач, якуний ҳисоб-китобга мувофиқ уларга қўшимча ҳақ тўланади. Жумладан, 2002 йил якунига кўра ишлаб топган бир сўмларига 2 сўм 60 тийиндан қўшимча ҳақ олишди. Бундан ташқари пудратчилар қатори уларга ҳам тенг улушда шоли берилади.

— Биз, механизаторлар йил давомида доимий иш билан банд бўламиз, — дейди МТП ходими Тўлаган Алимбоев. — Масалан, мен таъмирлаш ишларидан ташқари ерларни экишга тайёрлайдиган техникаларни бошқараман, зарур пайтда трактор ҳайдайман, ҳосил пишиб етилганда эса «Енисей» комбайнида шоли ўраман. Ўтган мавсумда 300 тоннадан зиёд ҳосилни ўриб-янчиб бердим. Бунинг учун пудратчилар қатори менга ҳам 6 тонна шоли тегди. Уни гуручга айлантириб, пулга чақадиган бўлсак, 1 миллион 200 минг сўм бўлади. Олти жонли оиламиз учун бу анча катта даромад, албатта.

(Давоми. Боши 1-бетда).




Айни кунларда МТПнинг марказий таъмирлаш устахонасида техникаларни созлаш ишлари қизғин боряпти. Эҳтиёт қисмлар масаласида ҳеч қандай муаммо йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки, хўжалик маблағга муҳтож эмас. Керак пайтда эҳтиёт қисмларни пул ўтказиш йўли билан олаверади ва шу тарзда энг кўп ишдан чиқадиган эҳтиёт қисмлар омборларда ортиғи билан сақланади.

## ПУЛ ТОПИШНИМАС, УНИ САРФЛАШНИ ҲАМ БИЛИШ КЕРАК

**Хўжаликни миллиардер, аъзоларини миллионер дедик. Бу хўжаликнинг оддий аъзосидан тортиб, то раисигача ягона мақсадни кўзлаб, бир ёқадан бош чиқариб, оқилона во ҳалол меҳнат билан топишаётган ҳар бир сўмни адолат билан тасарруф этишнинг самарасидир**

Юқоридаги далил ва мулоҳазалардан маълум бўлдики, ишлаб топилаётган бу миллионларда бошқарув раиси, бош мутахассислар, оилавий пудратчилар гуруҳлари бошлиқлари, оддий пудратчилар, МТП ходимлари, хуллас, хўжалик аъзоси борки, ҳар бирининг ўзига яраша улуши бор. Демак, маблағнинг асосий қисми меҳнатларининг ҳақи сифатида шуларга берилиши керак. Хўжаликда айнан шундай тартиб аллақачон қарор топган. Буни юқорида айтдик. Яъни ҳар бир аъзонинг ўртача ойлик даромади 226 минг сўмданга тўғри келди.

Иккинчи навбатда, хўжаликда узоқ йиллар ишлаб, унинг бугунги даражага эришишига катта ҳисса қўшган ва қарилик пенсиясига чиққанлар ҳисобга олинади. Уларнинг ҳар қайсиси ўзининг меҳнат фаолиятига қараб, маълум миқдордаги пай улушига эга. Хўжалик аъзоларининг умумий ҳисобот йиғилишининг қарорига мувофиқ дивиденд сифатида тўланадиган 177 миллион сўмнинг 10 фоизи ана шу пенсионерларга тақсимланади. Айтиш жоизки, пайчилар ҳам мўмайгина даромадли бўлишади.

Хўжалик — йирик, кўп тармоқли. Яъни асосий соҳаларга йирик чорвачилик тармоғи ҳам қўшиляпти. Жамоа хўжалиги даврида бу ерда йирик чорвачилик мажмуи мавжуд бўлиб, у яхшигина даромад келтирарди. Лекин афсуски, хусусийлаштириш компанияси даврида у хўжалик тасарруфидан чиқарилган эди. Шу сабабли чорвачилик мажмуи парокандаликка учраб, зотли моллар йўқ бўлиб кетди. Бошқарув раҳбарияти уни қайтариб олиб, тубдан қайта тиклашга киришди. Ҳозир 50 бош зотли ғунажин келтирилди. Энди молхоналар мажмуини қайта тиклаш режаси тузилмоқда. Бу ҳам озмунча маблағ талаб этмайди. Қолаверса, катта рўзғорнинг сарф-ҳаражати ҳам катта бўлади. МТПдаги техника воситаларини янгилаб бориш дегандек, маблағнинг анчагина қисми хўжалик ишлаб чиқаришини такомиллаштириш ва ривожлантиришга йўналтирилади.

Шоличиликнинг меҳнати оғир. Демак, аъзоларнинг саломатлиги ҳақида ҳам тинимсиз қайғуриш зарур. Бу муҳим масала хўжалик раҳбариятининг доимий диққат-эътиборида. Ҳар йили мавсум тугагач, яъни декабрь-январь ойларида 30-35 кишига асосан «Зангиота» санаторийсида дам олиб, саломатликларини тиклаб келишлари учун бепул йўлланма берилади. Фақат бугина эмас, эҳтиёж сезган аъзолар бутун йил давомида санаторийда бепул хордиқ чиқариб, соғлиқларини тиклайдилар. 2002 йилда ана шу тадбирга 2 миллион 400 минг сўм сарфланди.

Ҳамма байрамларни бутун хўжалик аъзолари иштирокида ўтказиш анъанага айланган. 420 ўринли маданият саройида байрам дастурхони ёзилади, ош дамланади. Таниқли санъаткорлар таклиф этилади. Мустақиллик ва Наврўз байрамлари арафасида ун, ёғ, гуруч тарқатилади. 8 март байрамида эса, аёлларга совғалар улашилади.

Хўжалик ҳудудида учта мактаб бор. Бошланғич синф ўқувчилари бепул иссиқ овқат билан таъминланади. Ҳар чорак якунида аълочи ўқувчилар маълум бўлади. Шунга мувофиқ мактаб маъмуриятлари тақдим этган рўйхат бўйича аълочиларга энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида стипендия тўланади. Агар ҳар бир синфда уч-тўрт нафар аълочи ўқувчилар борлиги ҳисобга олинса, хўжалик бу тадбирга ҳам анчагина маблағ сарфлаётгани аён бўлади.

Ҳудуддаги иккита боғчада юзга яқин болалар тарбияланади. Улар — асосан хўжалик аъзоларининг фарзандлари. Шунинг учун зарур имтиёзлар белгиланган. Масалан, икки нафардан зиёд фарзанди боғчага борадиган оилалар тўлайдиган ҳақнинг 50 фоизини хўжалик ўз ҳисобидан ажратади. Пенсионер, кўп болали ва кам таъминланган оилалар фарзандлари учун эса, тарбия бепул.

Ҳозирги кунда турли олий ўқув юртларида хўжалик аъзоларининг саккиз нафар фарзанди таълим олаяпти. Улар учун ҳар йили контракт пулини хўжалик тўлайди.

— Уч ўғил, икки қизим бор, — дейди пудратчи оила бошлиғи Абдуваҳоб Норбўтаев. — Катта ўғлим бу йил ўрта мактабни битиради. У автомобил йўллари қурилиши институтига ўқишга кирмоқчи. Катта қизим эса, стоматолог бўлмоқчи. Уларни ўқитиш учун ўзимизнинг даромадимиз ҳам етарли. Шундай бўлсада, хўжалик бу вазифани ўз зиммасига олади. Биз шоликорлар эса, бунга жавобан яхши ишлаб, хўжаликни бойитамиз, ўзимизнинг рўзғоримизни ҳам янада яхшилаб борамиз. Оилам билан 11 хонали замонавий уйда яшаймиз. Иккита енгил автомашинамиз бор. Буларнинг ҳаммаси меҳнатдан, хўжалигимизнинг иқтисодий салоҳиятидан, албатта.

Мактаб ўқитувчилари, тиббиёт ходимлари ҳам хўжаликнинг имтиёзларидан баҳраманд. Уларга ўрим-йиғим сўнгида 100 килограммдан шоли берилади. Дарвоқе, аъзоларнинг хонадонида бўладиган барча йиғинларга кетадиган сарф-харажатларнинг бир қисмини хўжалик кўтаради.

Хуллас, ҳалол меҳнатдан келаётган даромаднинг тасарруфи ҳам одилона йўлга қўйилган.

## ИСТИҚБОЛГА ТЕРАН НАЗАР

**Биз илгарилари ҳам бу хўжаликда бўлганмиз, шоликорларнинг самарали меҳнати билан миллион-миллион сармоя жамғарилаётганлиги ҳақида ёзганмиз. Лекин ҳар сафар масаланинг бир жиҳати бизни ўйга толдирарди:**

«Ахир бу бойликлар самарасиз ётмаслиги, билъакс, уни бунёдга келтираётган фидойи инсонлар ҳаётини фаровонлаштириш, хўжалик ҳудудидаги катта-кичик қишлоқларнинг ободонлашуви, қўйингки, бугунги ҳаёт тарзига мос қишлоқ инфратузилмаларини барпо этишга, маданий-маиший мажмуалар қурилишига хизмат қилиши керак эмасми?»

Мамнуният билан таъкидлаш жоизки, бу сафар хўжаликда бўлганимизда айнан шундай ўзгаришлар, янгиланишлар, яратишлар сари дадил қадам қўйила бошланганлигининг гувоҳи бўлдик.

Кўриб турибсизки, хўжалик бeқиёс салоҳият даражасида. Билъакс, барча имкониятлар ишга солиниб бўлгандек, туюлади. Қишлоқда бўлиб, катта-кичик раҳбарлар, мутахассислар, деҳқонлар билан суҳбатлашгач, дафъатан биз ҳам иккиланиб қолдик: «Бу ёғи нима бўлади? Ҳозирги даража — чегарами?»

— Нега энди, — майин кулимсирайди Турсунхўжа Искандаров. — Тўғри, ернинг ҳам ўз унумдорлик чегараси, имкон даражаси бор. Бироқ, ҳали олдимизда қилинадиган ишлар кўп, имкониятлар етарли. Ҳамма гап изланишдан тўхтамай, уларни амалга оширишда. Масалан, биз эндиликда шоличиликдаги хорижий тажрибалар, илғор усуллар билан қизиқаяпмиз. Чунки, уларда ҳосилдорлик юқори. Бунга нималар ҳисобига эришилмоқда? Биз интилаётган яна бир нарса илм-фан янгиликларини жорий этишдир. Демоқчиманки, ўсиш йўлидамизми, депсинмаслик имконларини қидирамиз.

Асли бу интилиш ўн йилликлар мобайнидаги изланишларнинг давоми.

Суҳбатлар чоғида мутахассислар шоличиликда ҳам ҳали муайян ички имониятлар мавжуд эканлигини айтишди. Уларнинг энг биринчиси ҳосилдорлик ўртасидаги фарқ. Ҳозир хўжаликда шоли экиладиган барча майдонларда ўртача 66,7 центнердан ҳосил ўриб-йиғиб олинаяпти. Тажрибакор шоликорларнинг далалари, табиийки, ҳийла юқори ҳосил тўкаётган бир пайтда ҳали кўпгина пудратчилар ҳосилдорликни қирқ беш центнерга ҳам етказишаётгани йўқ. Имкониятларга шу нуқтаи назардан қаралса, мавжуд майдонларнинг ўзида ялпи ҳосилни бир неча юз тоннага кўпайтириш мумкин эканлиги ойдинлашади.

Албатта, булар шунчаки айтган билан бўлиб қоладиган ишлар эмас. Бунинг учун экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ерни илмий асосда «боқиш», энг муҳими, одамларда ўзгариб бораётган ерга эгалик ҳиссини, ундан ниҳоятда оқилона ва унумли фойдаланишга интилиш туйғусини тарбиялаш керак.

Бугун қишлоқни айлансангиз, қурилишлар кўлами кенгайиб бораётганлигини кўрасиз. Хўжаликда яна бир янги гапнинг устидан чиқдик. Бошқарув раисининг ижтимоий-маданий ишлар бўйича ўринбосари лавозими киритилибди.Бу вазифага ғайратли ва ташаббускор ўрта бўғин раҳбарларидан Озод Акбаров тайинланибди. Демакки, қишлоқда қурилишлар кўлами кенгаяди. Дастлабки натижа сифатида қишлоқ марказида замона зайлига жавоб берадиган гузар шаклланиб бораётир. Супермаркет, замонавий маиший хизмат корхоналари, модалар уйи лойиҳалаштирилиб, олди биноларга пойдевор қўйилаяпти.

Қишлоқда спортни ривожлантириш хусусида гап очилса, каттаю кичикнинг бахри дили очилиб кетади. Негаки, хўжаликнинг таниқли «Шоликор» футбол жамоаси вилоят чемпионатида муттасил олдинги ўринларда келади. Эндиликда эса, мавжуд футбол, волейбол майдонлари, бошқа спорт иншоотлари қаторига болалар спортининг яхлит ва замонавий жиҳозларга эга бўлган катта бир мажмуи қўшилмоқда. Тўғри, бу ҳозирча яхши бир ният, аммо у лойиҳаларда намоён бўлаяпти. Бу янги мажмуа қисқа муддатда битказилиб, ўғил-қизларимиз қувончига қувонч қўшилишидан далолат.

Ҳозир қишлоқда 4 мингга яқин аҳоли яшайди. Ёш оилалар кўпайиб боряпти. Хўжалик уларнинг уй-жой қуриб олишлари, ўз турмушларини жойига қўйишлари учун алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқда. Асосийси — уй-жой қуриш учун бош режа асосида ер майдонлари ажратилмоқда. Илгаридан яшаб келаётган уйларини бугунги ҳаёт андозалари асосида кенгайтириб, қайта қураётган хонадонлар қанча.

Алишер Навоий номли ширкат хўжалигидаги умумий манзаралар, бугунги ҳаёт тамойиллари шундай. Уларга ҳавас қилишимиз табиий. Аммо, муҳими меҳнат қилишни, имкон излашни ва ишга солишни, турмушни ташкил этишни улардан ўрганиш бугун ниҳоятда фойдали.

Суҳбатларимизнинг бирида Турсунхўжа Искандаров шундай деган эди: «Ислоҳот нима дегани ўзи? Мен уни шундай талқин этаман: ислоҳот бу — изланиш, янгиликка интилиш, ақл-идрок билан ишлаш, меҳнатга яраша даромад олиш, эртанги кун учун курашиш. Буларнинг тагида эса, энг муҳим омил — одамлар, уларнинг фаровон, тинч ҳаёти ётибди. Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг кечаги мажлисида илгари сурган ғояларни мен шу нуқтаи назардан тушундим. Асли ислоҳотдан мақсад ҳам шу эмасми?» Қуйичирчиқ туманидаги бу ширкат хўжалигининг тажрибаси, барча тармоқлардаги ишлар унинг раҳбари айтган тамойиллар асосида ташкил этилаётганлиги билан ҳам барча учун ибратлидир.

*Жўрабек МУРОДОВ,*
*Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,*
*Еркебой БОТИРОВ (суратлар),*
*«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.*





# ҲАМШИРАЛАРНИНГ ЯҚИН ҲАМКОРЛИГИ

*Мамлакатимизда ўрта тиббиёт ходимлари хизматини янада ривожлантириш, беморларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, талабга тўла жавоб берадиган кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда.*

Айни пайтда тиббиёт ҳамшираси ишини жаҳон андозаси даражасига кўтариш мақсадида АҚШ, Швеция, Япония, Германия, Исроил ва МДҲ давлатлари билан алоқалар йўлга қўйилган.

Тошкентдаги шифокорлар малакасини ошириш институтида бўлиб ўтган семинар ҳамжамиятлар соғлиқни сақлаш тизимида тиббиёт ҳамшираси иши муаммоларига бағишланди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Японияннинг Халқаро ҳамкорлик ташкилоти (JICA) томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан тиббиёт ҳамширалари, тиббиёт институтлари ва коллежларининг тиббиёт ҳамшираси иши бўйича ўқитувчилари иштирок этди.

Мазкур тадбирда ҳамжамиятлар соғлиқни сақлаш тизимида тиббиёт ҳамширасининг ишининг асосий тушунчалари кўриб чиқилди ва замонавий таълим тизими олдида турган вазифалар муҳокама этилди. Негаки, тиббиёт ҳамширасининг касбий тайёргарлик даражаси оила билан чекланиб қолмаслиги керак. Тиббиёт ҳамшираси шифохоналар, соғломлаштириш муассасалари, мактаблар, иш жойларида аҳоли гуруҳларига бўлиниши лозим. Бу албатта, мутахассислардан алоҳида тайёргарликни талаб этади. Оила ҳамшираси ўзининг барча вазифаларини муваффақиятли бажариши учун тегишли билимлар, шунингдек, таҳлилий ва танқидий фикрлаш кўникмасига эга бўлиши керак. Бу эса унга турли вазиятларда ишонч билан ва ўз ваколати доирасида ҳаракат қилиш имконини беради.

**Ҳулкар СОДИҚОВА,**
*ЎзА мухбири.*

## Орамиздаги яхши одамлар

# ЖУРНАЛИСТ ШОИР

***(«Менга ибрат бўлган кишилар» туркумидан)***



Кўпгина таҳририятларда шоирларни ишга олишни ёқтиришмасди. «Биламиз, шоирсиз, шеърларингизни ўқиганмиз, лекин мақола ёзолармикансиз...» Ҳамма жойда жавоб шундай бўларди. Ўзим 1966 йилда Сирдарё вилоятидаги туман газетасига бордим. Муҳаррири ҳамюрт эди. Жавоб айнан шундай бўлди. Муҳаррир, яхши одам эди раҳматли, мурувват қилди. «Республика марказий нашрини бошидан охиригача ўқингда, бир ойдан кейин келинг, синаб кўрамиз», деди. Бу гап менга оғир ботди, албатта. Чунки шеърларим ўша марказий газетада эълон қилинган. Шеър қаёкда-ю, мақола қаёкда! Хафа бўлганимни билдирмадиму бошқа қайтиб бормадим.

Бу гапларда барибир жон бор экан. Шоирлик шоирлик, лекин у бирон жойга бориб, муаммоли вазиятни таҳлил қилиши, материал уюштириши керак. Шу қўлидан келармикан? Кўнгли бўшлик қилмасмикан?

Мен Назармат акани эллигинчи йилларданоқ танирдим. Шоир сифатида китоблари, шеърлари тез-тез чиқиб турарди. Кейин тақдир тақозоси билан Тошкентга келиб қолдим. Ёшликда, биласиз, ўзингизни ҳар эшикка урасиз! Шеър кўрсатиб, ёки иш важидан. Шеърларнинг пичоққа илинадигани босилар, иш масаласидаги жавоб ўша-ўша бўлар эди.

Мен, адабиётга, хусусан, журналистикага ёт касб эгаси (санъат институтининг актёрлик факультетини тугатганман), «Ёш гвардия» нашриётига кичик муҳаррирлик лавозимига ишга кирдим. Директор Сотиболди Йўлдошев — катта ношир, катта таржимон — дипломимга аҳамият бермади. Абдулла Орипов ва Низом Комиловнинг тавсияси билан ишга кирдим.

Бўлим мудири Раззоқ Абдурашидов дарров қўлимга қўлёзма тутқазди. Ростини айтсам, ишга кирганимга пушаймон бўлдим. Қўлёзма-я! Мақолагина эмас, бутун бир асар!

Раззоқ акага: «Нима қиламан?» дедим. «Таҳрир қиласиз, китоб сизнингча қандай яхши бўлса, шу ишни қилинг, керак жойида ўчиринг, ёзинг», деди Раззоқ ака. Бирон ҳафтада ишни тугатдим. Нима дейишаркин, деб қўрқиб турибман. «Яхши, — деди Раззоқ ака. — Бундан буён ҳам шундай ишлайсиз».

Журналистика дегани... Таҳририятларга кириб тураман. Ҳамма ҳар доим, асосан бировларнинг материалини ишлаш билан банд. Ана шунда билганман бу касбнинг машаққатини.

Назармат ака «Тошкент ҳақиқати»нинг адабиёт ва санъат бўлими мудири, ёзувчи дўстим Эмин Усмонов унга ходим эди. «Тошкент ҳақиқати»га асосан шеър билан эмас, Эминжон билан кўришгани борардим. Назармат ака катта шоир, катта лавозим эгаси бўлишига қарамасдан жуда яхши кутиб олар, уруш хотираларидан сўзлар, шеърлар ўқиб берар эди. Хуллас, «Тошкент ҳақиқати»га ҳар гал борганимда, бир олам маънавий тўқлик, инсоний хусусиятлардан ибрат олиб қайтардим.

1969 йил декабрида ошқозоним операция бўлди. Шифокорларга айтдим, бу ерда қарайдиган ҳеч кимим йўқ, деб. Ихтиёринг, дейишди клиника ходимлари, лекин операция қилмаса бўлмайди. Бир томчи қатиқ ҳам ўтмай қолган эди-да. Хуллас, таваккал қилиб, рози бўлдим.

Аҳволимдан хабардор бўлган Эминжон Назармат ака билан гаплашибди. Ўз ҳисобидан таътилга чиқиб, ўн олти кун тепамда ўтирган.

Хонада менинг каравотим, битта стул бор. Мен ётганман, у ўтирган. Инграганимда, ҳолимдан хабар олиб турган. Уйқуси ҳам шунинг ичида.

Кейин хонага операциядан чиққан рус чол ҳам жойлашди. Унга кампири қарарди. Бирам иноқ, бирам ширинсўз, бирам бир-бирларини авайлашар эдики, ҳар ким ибрат олса арзигулик. Эминжон орада шулар, уларнинг бир-бирига меҳр-муҳаббати, ўзаро муносабатини тасвирлаб чиройли ҳикоя ёзди. Назармат акага кўрсатган экан, маъқуллаб, навбатдаги сонга бериб юборибди. Ҳикоя жуда яхши таассурот қолдирган.

Менинг бу иккинчи бор дунёга «қайтиб келишим»га кўп одамнинг хизмати, меҳнати синггон. Устоз Неъмат Дўстхўжаев, у кишининг ўғиллари Тоҳир билан Бахтиёр, раҳматли Очил Тоғаев... Аммо, Назармат аканинг хизматлари алоҳида эди. У ўн олти кун мобайнида Эминжоннинг ишини ҳам қилган-да! Раҳмат, Назармат ака!

Назармат ака шеър, достонлар, мақолалардан ташқари бир роман ҳам ёзган. «Шарқ юлдузи»да бобларини берганмиз. Аммо, китоб бўлиб чиқиши чўзилди. Назармат ака урушда кўрганларини ёзган, аммо, ҳаётий ҳақиқат ҳар доим ҳам бадиий ҳақиқатга айланавермас экан-да...

Саксонинчи йилларда бир муддат Ғафур Ғулом номидаги нашриётнинг наср бўлимини бошқарганман. Романни чиқариш ташвиши билан банд эдик. Бир куни Назармат ака қизиқ бир воқеани айтиб берди. «Шуни ҳозир айтганингиздай ёзиб, эрталаб олиб келинг» дедим. Кўчиришни ҳам бўйнимизга олдик. Назармат аканинг менга қилган хизмати олдида, машинка дегани нима экан!

Фикр Назармат акага маъқул бўлди. Эртасигами, индинигами, бир ҳикоя ёзиб келдилар. Жуда яхши эди! Ана шундай давом эттиравеРинг, дедим. Асар хотира-роман бўлади. Қайтага ҳозир хотира романларининг бозори чаққон. Устоз рози бўлдилар. Бир воқеи ҳикоя олиб келадиган, мен ўзим таҳрир қиладиган бўлдим. Бош муҳаррир Ҳасан Тўрабеков, директор Шоир Усмонхўжаев ҳам бу ишни маъқуллашди.

Аммо, Назармат ака урушнинг бошидан охиригача жанг қилган одам, ёшлари ҳам бир жойга бориб қолгани учунми, бу ишни қилмадилар. Ёзиш учун жисмоний куч ҳам кераклигини мана ҳозир, ўзим бетоб бўлиб қолганда билиб ўтирибман.

Назармат ака кўпгина ёшларга шеъриятда ҳам, журналистикада ҳам устозлик қилган. Шулар қатори менга ҳам. Адабиётда устозлик бошқачароқ бўлади. Устоз мана бундай ёз, деб аниқ нарсани кўрсатиб бермайди. Кимнинг шеъри, очерки, ёки бошқа асари сизга ёқса, сизни илҳомлантирса, ўша устозлик қилгани бўлади. Бевосита. Мен бу ҳақда Асқад Мухторга бағишлаб шеър ёзган эдим. Асқад акадан шогирдлари ҳақида сўрашганида, бироз ҳижолат бўлиб, «ўзлари айтсин», деган.

Хуллас, Назармат ака менинг ҳам устозим эканини бaралла эътироф этаман.

Оқсоқол мустақиллик йилларида ҳам, гарчи пенсияда бўлсалар-да, тинмай ишлаяпти. Гоҳ у, гоҳ бу газетада ё шеърини, ё мақоласини кўриб қоламан. Яқинда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида эълон қилинган атоқли шоир Мирзо Турсунзодадан таржималари эса, устоз ўзбек ва тожик адабиётларини «биродарлаштириш» борасида азалдан ишлаб келаётганини яна бир бор намоён қилди. Бу барча ёшларга ибрат эмасми?!

Муҳтарам Назармат ака Мустақилликнинг ўн бир йиллигини барча билан баробар байрамона руҳда кутиб олдилар. «Шарқ» нашриёт-матбаа компаниясида у кишининг ажойиб китоби нашр этилди. Ёши 85дан ошган устоз истиқлолимизнинг йигирма, ўттиз йиллик байрамларини ҳам бардам кутиб олиб, шеърлари, мақолалари, китоблари билан барчамизга ибрат бўлишини тилайман.

Ҳорманг, Назармат ака!

***Мухлисингиз: Машраб БОБОЕВ.***

## *СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

# ЧЕМПИОНАТГА ТАЙЁРГАРЛИК АВЖИДА

*Ўтган йили Қатар пойтахти Доха шаҳрида футбол бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси муваффақиятли иштирок этиб, жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритганди.*

Энди футболчиларимиз Бирлашган Араб Амирликларида шу йил 25 март - 16 апрель кунлари ўтказиладиган ёшлар ўртасида футбол бўйича жаҳон чемпионати "B" гуруҳида қатнашади. Вакилларимиз гуруҳда Аргентина, Испания ва Мали футболчиларига қарши ўйнайди.

Виктор Борисов шогирдлари жаҳон чемпионатига жиддий тайёргарлик кўрмоқда. Навбатдаги ўқув-машғулот йиғини эса Испанияда ташкил этилади. Ўзбекистон футбол федерациясида футболчиларимизнинг жаҳон биринчилигига тадоригига бағишланган матбуот анжумани бўлди.

- Қатардаги қитъа биринчилигидан кейин чемпионатга жиддий тайёргарлик кўриш мақсадида бир неча йиғинларни ташкил этишни режалаштиргандик, - деди ёшлар терма жамоаси бош мураббийи В.Борисов. - Унга кўра, яқинда футболчилар Бирлашган Араб Амирликларида бўлиб, Европа ва араб мамлакатлари жамоалари билан куч синашди. Тошкентда ҳам ўқув-машғулот ўйинлари ўтказилди. Испанияда уюштириладиган йиғинда ҳам бир неча жамоага қарши майдонга тушамиз. Энг асосийси, 20 февраль куни Испания ёшлар терма жамоаси билан ўйнамоқчимиз. Бу жамоа жаҳон чемпионатида бизнинг гуруҳимиздан жой олган.

Гуруҳ баҳсларида футболчиларимизни амалдаги жаҳон чемпиони Аргентина, Европа чемпиони бўлган испанлар ҳамда Африка чемпионати совриндори Мали терма жамоалари кутиб турибди. Жамоа мураббийи В.Борисовнинг таъкидлашича, аргентиналиклар ва испанларнинг ўйин услуби, тактикаси бир-бириникига анча яқин. Шу жиҳати билан ҳам Испания сафари терма жамоа учун фойдали бўлиши кутилмоқда.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
*ЎзА мухбири.*

*Бўстонлиқ туманида болаларни жисмоний чиниктиришга жиддий эътибор қаратилаётир. Бу борада касаба уюшмаларининг болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийлари алоҳида ташаббус кўрсатишаётир.*

# МАСТЕРЛИККА ЎН НОМЗОД

Оғир атлетика бўйича мураббий Аҳмаджон Қутчанов, бокс бўйича тренер Нурғали Абдураимов каби саккиз устоз саъй-ҳаракати билан Абай номли ширкат хўжалигида кураш, Товоқсойда футбол, «Янгиовул» ширкат хўжалигида енгил атлетика, Сойлиқ қишлоғида штанга, Ғазалкент шаҳрида бокс секциялари ташкил этилди. Уларга 500 дан ортиқ спортчи жалб қилинган, машғулотларни саккиз малакали мураббий олиб бораётир.

— Ёш спортчиларимиз орасидан ўн нафар мастерликка номзод етишиб чиқди, — дейди спорт мактабининг директори Ғиёс Муҳамедшин. — Туманимиз спортчилари вилоят ва мамлакат биринчиликлари, халқаро мусобақаларда тобора муваффақиятли қатнашиб, совринли ўринларни эгаллашмоқда.



**СУРАТДА:** *спорт устаси мураббий Нурғали Абдураимов ўз шогирдлари — ёш боксчилар даврасида.*

***Владимир ПОРТНОВ олган сурат.***

# САРҲИСОБ ВА ГАЛДАГИ РЕЖАЛАР

*Миллий матбуот марказида Ўзбекистон каратэ миллий федерацияси раҳбарлари 2002 йил якунларига бағишланган матбуот анжумани ўтказди.*

- Ўтган йили спортчиларимиз еттита халқаро мусобақада иштирок этиб, ўн уч олтин, саккиз кумуш ва ўн тўққиз бронза, жами қирқта медалга сазовор бўлди, - деди федерация президенти Нурхон Нафасов. - Лекин асосий мақсад жаҳон ёки Осиё чемпионлари етиштириш эмас, балки юртимизда ёш авлодни оммавий спортга, соғлом турмуш тарзига жалб қилишдир. Бугунги кунда олтмиш мингдан зиёд ўғил-қиз каратэ билан мунтазам шуғулланмоқда.

Каратэ миллий федерацияси 2003 йилда ҳам юртимизда бир қанча нуфузли турнирлар, турли ёшдаги спортчилар ўртасида чемпионатлар ташкил этишни режалаштирган. Жумладан, 21-23 февраль кунлари Тошкентда болалар ва ўсмирлар ўртасида III Ўзбекистон биринчилиги ўтказилади. Унда 1500 дан зиёд спортчи ғолиблик учун курашади.

*ЎзА.*

*Мавлоно Лутфуллоҳ хайрли амаллари, илоҳий ва дунёвий мавзудаги асарлари билан юртимиз тарихида ўзига хос из қолдирган аждодларимиздан биридир.*

# НОДИР КИТОБНИНГ ИККИНЧИ УМРИ

Катта шайх, имом, устамироб, сув иншоотлари муҳандиси сифатида танилган Мавлоно XVI асрда Чустда истиқомат қилган. Юртимизда машҳур Чуст истироҳат боғи ҳозир ўз асосчиси - Мавлоно Лутфуллоҳ номи билан аталади.

Ул зот ҳақида ёзилган тарихий манбалардан бири унинг шогирди Муҳаммад Муфтий Оҳангароний қаламига мансуб "Мавлоно Лутфуллоҳ Манокиби" китобидир. Китобда Мавлоно Лутфуллоҳнинг болалик, талабалик даври, мударрислик ва муҳандислик фаолияти ҳақида кенг маълумотлар берилган.

Ушбу тарихий манбанинг бир нусхаси чустлик Абдуллахонтўра Маъруповнинг хонадонида сақланган, таъқиб ва тақиқ даврларидан ўтиб, бизнинг замонамизгача етиб келган. У китобни тарихчи Хусайнхон Ориф билан ҳамкорликда чоп этди.

Китобнинг тақдимот маросимида сўзга чиққан олимлар, тадқиқодчи ва ижодкорлар "Мавлоно Лутфуллоҳ Манокиби" китобининг маънавий ҳаётимиздаги аҳамияти ҳақида сўзлашди.

**Илҳомжон РАЗЗОҚОВ,**
*ЎзА мухбири.*

## Турмуш чорраҳаларида

# ОҚИБАТ

Қаттиқ, танани ич-ичидан пармаловчи оғриқ Шоилёс аканинг бутун вужудини қамраб олди. У базўр дивандан қўзғолиб, эшик томон юрди. Йўлакка чиқиб, қўшни хонадон қўнғироғини чалаётганида кўз ўнги қоронғулашиб кетганини яхши эслайди. Ҳайриятки, шу аснода қўшни эшик очилди, қўлтиғидан тутиб, ичкарига олиб киришди, ҳозиргина ўзи турган диванга ётқизишди.

— Ҳозир «тез ёрдам»ни чақираман, — деди-да, қўшни Нина Сергеевна қизи Нюсяни Шоилёс акага қараб туриш учун қолдириб, ўз квартирасига шошилди.

«Тез ёрдам» етиб келганида, Шоилёс ака ним хушсиз ётарди. Беморни илдам олиб, машина ташвишли сигнал чалганича Улуғбек шаҳарчасидан чиқди...

— Ҳовли олма, қўшни ол, дейишгани шу экан, энди билсам, — дейди меҳнат фахрийси Шоилёс Шоисҳоқов қўшниси Нина Сергеевна Бородавкодан миннатдор бўлиб. — Ўша тунда ўз хонадонидан «тез ёрдам»га қўнғироқ қила олмай, шаҳарчамиздаги икки-уч таниш-билишига телефон қилган, вазиятни тушунтириб, шифокорларни тезроқ чақиришга ёрдам сўраган. Хуллас, мени шифохонага олиб борган.

Шоилёс ака ўтиб қолган ўткир аппендецит билан оғриган экан. Ўша тунда дарҳол операция столига ётқизишди.

— Шифохонадан соғайиб келганимдан кейин ҳам барака топкур қўшним меҳр-мурувватини мендан дариғ тутмади, — эслайди қария. — Қирқ йилки, ўзи шаҳарчамиздаги шифохонада тиббиёт ҳамшираси бўлиб ишлайди. Ҳар кеч ишдан келгач, бинтларни янгилаб, дори-дармон ичиради, денг. Қизи Нюся эса, эртами-кечми иссиқ-совуғимдан хабардор бўлиб турди. Хуллас, қўшниларим, жигарларим меҳр-мурувввати мени оёққа турғазди.

# ҲАЛОЛЛИК

Уч кунки, Ҳабибуллада тинчлик йўқ. Ҳаммаси ўша автобусдаги тиқилинчдан бошланди. Ўрта эшикдан ҳаммадан кейин бир амаллаб зинага оёқ қўйганини билади, эшик тарс-турс қилиб ёпилди-да, машина базўр силтаниб қўзғалди. Кейинги бекатда салонга ўтиб олди, қўлидаги пакетни дераза ёнида ўтирганларга узатиб юборди. Тушар пайти сўраган эди, уни одамлар орасидан узатиб, қўлига тутқазишди.

Қурилишда ҳамиша ишлар шошилинч. Ҳабибулла ҳам вагончага кирдию, коржомаларини кийиб ҳавозага чиқиб кетди. Пешин чоғи онаси эрта билан тугиб берган бир коса ошни иситгани печкага қўйгани пакетни қўлига олди. Қараса, коса устида аёлларнинг жигарранг ҳамёни. Ҳанг-манг бўлиб турганини кўриб, пайвандчи Асқар ака:

— Худо берибди-ку! — деди.

Ҳамёнда 3105 сўм пул, бошқа қимматбаҳо буюмлар ҳам чиқди. Буни кўриб, пайвандчи жиддийлашди:

— Йўл ҳақини тўлагани пул олгану унда ҳам шу сингари пакет бўлса керакки, ҳамёнини адашиб сенинг пакетингга солиб қўйган, — тахмин қилди уста. — Қара-чи яхшироқ, ҳужжат-пужжати бордир, ахир?

Ҳужжат-пужжат чиқмади ҳамёндан. Унинг ён қопчиғидан бир чети йиртиғ рецепт чиқди. Оддий, поликлиникадан берилган рецепт. Ҳабибулланинг боши қотиб қолганини кўриб, уста рецептни қўлига олди.

— Биринчи поликлиникадан берилган экан, — деди уни кўздан кечириб. — Етмиш учинчи номер. Э аттанг, числоси йўқ, йиртилиб кетибди.

Эртасига Ҳабибулла поликлиникага борди. Рўйхатга олиш дафтаридан етмиш учинчи номерда ким қайд қилинганини, унинг манзилини аниқлаш қийин бўлмади. Ҳамён йўлдош шаҳарчада яшовчи Надежда Герасимовна Логиновага тегишли бўлиб чиқди. Кечқурун қидириб борди, квартира қулф, қўнғироққа чиқувчи бўлмади. Қўшни хонадон қўнғироғи устма-уст жиринглаётганидан безовта бўлди чамаси, ён эшикдан бир киши чиқиб келди.

— Амаки, Логиноваларни сўраб келувдим, — деди Ҳабибулла.

— Ўзи йўқ, Алексей Петрович экспедиция билан Қорақалпоғистонга кетган. Қизи Надя кеча эрта саҳар Янгийўлга, холасиникига кетувди. Эртага кечроқ қайтса керак.

Қарияга раҳмат айтиб, Ҳабибулла йўлакдан чиқди. Уйига алламаҳалда ивиб-бўкиб етиб борди.

Ниҳоят, учинчи куни кечқурун Ҳабибулла йўлдош шаҳарчадаги кўп қаватли уй йўлагига яна кириб борди. Чарм қопланган эшик қўнғироғини босди. Ичкаридан «ҳозир» деган ёқимли, янгроқ бир овоз эшитилди. Эшик очилиб, қўнғироқ сочлари елкасига ёйилиб тушган бир қиз остонада пайдо бўлди. Дафъатан, ҳайрон чеҳрасига, синовчан нигоҳига кўзи тушдию Ҳабибулла ўзини йўқотиб қўйди. Индамайгина ҳамённи узатди.

— Вой, меники-ку! — қизнинг кўзлари чақнаб кетди. — Мен ундан умидимни узган эдим. Қани, ичкарига киринг.

Надя қўярда-қўймай Ҳабибуллани уйга олиб кирди, меҳмонхонада креслога ўтқазиб, ҳамённи стол устига қўйди-да, ён хонага ўтди.

Ичкаридан, «онаси бўлса керак», кексароқ бир жувонни бошлаб чиқди. У Ҳабибулла билан сўрашиб, стол ёнига ўтирди. Она-бола ҳамённи очиб, пулларни кўришди. Қиз пулларни олиб стол устига қўйди. Тагида турган бўлса керак, икки дона тилла узукни ҳам олиб пуллар ёнига қўйди, Ҳабибуллага миннатдор нигоҳ ташлади.

— Раҳмат, ўғлим, — деди она. — Бир умр унутмаймиз бу олийҳимматлигингни.

***Ю. ЖУМАНИЁЗОВ.***

## Қилмиш-қидирмиш

# ҚАЛТИС ИШГА ҚЎЛ УРИБ

Тун ярмидан оғганда Янгийўл шаҳар ички ишлар бўлимининг марказлашган қўриқлаш пульти орқали қўриқланаётган Янгийўл шаҳар Усмон Юсупов кўчасидаги 36-уй соҳибаси Роза Тяннинг хонадонидан «ташвишли сигнал» ишга тушди.

Қўлга олиш гуруҳи ходимлари воқеа жойига етиб бориб кўришсаки, эшиклар синдирилган. Уйдан 200 минг сўмлик қимматбаҳо нарсаларни олиб қочишга уринаётган жиноятчилар қўлга олиниб, навбатчилик қисмига келтирилди.

Бу жиноят ҳеч қаерда ишламайдиган фуқаро Руслан Салахов томонидан содир этилган эди. Ўғриланган буюмлар далилий ашё сифатида олинди.

* * *

Бекобод шаҳри 14-даҳада жойлашган «Ислом» хусусий дўкони олд ойнасини синдириб, номаълум шахслар нархи 120 минг 800 сўмлик буюмни ўғрилаб кетаётганларида, қўриқлаш бўлими ходимлари томонидан ушланди. Ушбу жиноятни ҳали балоғат ёшига етмаган фуқаролар Евгений Банденко билан Алексей Кузовкин содир этишгани аниқланди.

***Шерали АНВАРОВ,***
***Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси матбуот марказининг ходими.***

## Кулганга нима етсин!

Афанди ёшлигида ҳам афанди экан. Бир куни у йиғлаб турган экан, дадаси:

— Насриддин нега йиғлаяпсан? — деб сўрабди.

— Акам битта пашшани уриб ўлдирди, — дебди Насриддин.

— Ия, пашшага раҳминг келяптими? — ажабланди дадаси.

— Пашша менинг чаккамга қўниб турган эди-да, — дебди Афанди.



## Халқ табобати





Сариқ зирадан сийдиктош касаллигида пешоб ҳайдовчи, шунингдек, ўттош касаллиги, ўт пуфаги яллиғланиши ва нафас аъзолари касалликларида қадимдан фойдаланиб келинади. Ибн Сино бу ўсимлик меваларидан яра ва жароҳатларнинг битишини тезлаштирадиган, ўт ҳайдайдиган, буйрак тошларини туширадиган дори тайёрлаган. Нафас ва сийдик-таносил, кўз касалликлари, ичак санчиқлари ва қорин дам бўлишига даво сифатида фойдаланган.

Сариқ зира мевалари замонавий табобатда ҳам баъзан қорин дам бўлиб турган маҳалларда меъда-ичак ишини ривожлантиришда қўлланилади.

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 214-ўрта мактаб томонидан 1989 йилда Хилола Маматхоновна Рузиева номига берилган Д № 792172 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«Нуроний» жамғармасининг Тошкент вилоят бўлими кекса меҳнат фахрийси **Дамир УСМОНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан унинг яқинлари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

*Бош муҳаррир* Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

*Телефонлар:* Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-70-10, 136-53-80.

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Буюртма Г-148. Адади 10198. Ҳажми - 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.*

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи—205. Босишга топшириш вақти - 20.00. Босишга топширилди - 18.15. 1 2 3 4 5 6